

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Аннотация: Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг инвестицион фаоллигини ошириш механизмлари, жумладан, тижорат банкларини комплекс трансформация қилиш банк тизимини ислоҳ қилиш жиҳатлари таҳлил қилинган. Тижорат банкларининг инвестицион жозибadorлигини таъминлаш юзасидан амалий таклиф ва тавсиялар келтирилган.

Калит сўзлар: тижорат банки, инвестицион жозибadorлик, актив, капитал, рентабеллик, кредит, инфляция, девальвация.

Кириш

Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш стратегиясида тижорат банклари томонидан истиқболли инвестиция лойиҳаларини кредитлашни кенгайтириш макроиктисодий барқарорликни таъминлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолишнинг зарурий шартларидан бири сифатида эътироф этилган¹. Мамлакатимиз иқтисодиётини ўсишида тижорат банклари томонидан инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришнинг аҳамияти йилдан-йилга ошиб бормоқда. Иқтисодиётнинг муҳим тармоқлари тижорат банклари кредитлари ёрдамида молиялаштирилмоқда, янгидан-янги инвестицион лойиҳалар асосида фаолият кўрсатувчи корхоналар ташкил этилмоқда, янги технологияларга асосланган ишлаб чиқаришлар ва хизмат турлари жорий этилиб, турли хилдаги янги маҳсулот турлари яратилмоқда.

Бу эса, ўз навбатида, тижорат банкларининг инвестицион лойиҳаларни кредитлаш самарадорлигини ошириш заруриятини юзага келтиради.

Ҳозирги даврда тижорат банкларида муддати ўтган кредитлар миқдорининг катта эканлиги, кредитларнинг фоиз ставкаларини юқори эканлиги банкларнинг кредитлаш самарадорлигини паст эканлигидан далolat беради.

Хусусан, 2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегиясида тижорат банкларининг кредит портфелини ва улар фаолиятидаги рискларни бошқариш амалиётини такомиллаштириш, давлат улуши мавжуд бўлган тижорат банкларини комплекс трансформация қилиш, банклардаги давлат акциялари пакетини зарур тажриба ва билимга эга бўлган инвесторларга танлов савдолари асосида сотиш, шунингдек, давлат улуши мавжуд бўлган тижорат банклари ва корхоналарни бир вақтнинг ўзида ислоҳ қилиш орқали банк секторида давлатнинг улушини камайтириш миллий банк тизимини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари сифатида эътироф этилган². Республикаимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, қайси давлат фаол инвестиция сиёсатини юритган бўлса, ўз иқтисодиётининг барқарор ўсишига эришган. Шу сабабли ҳам инвестиция – бу иқтисодиёт

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. –Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.07.2018 й., 06/18/5483/1594-сон.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сонли “Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси”ги фармони//Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.05.2020 й., 06/20/5992/0581-сон.

драйвери, ўзбекча айтганда, иқтисодиётнинг юраги, десак, муболага бўлмайди”¹. Бу эса, республика иқтисодиётини ривожлантириш учун мақола мавзусининг долзарблиги ва ушбу йўналишда тижорат банкларининг инвестицион жозибадорлигини ошириш масаласини илмий тадқиқот объекти сифатида тадқиқ қилиш заруриятини юзага келтиради.

Бугунги кунда дунё мамлакатлари иқтисодиёти ривож ва халқаро интеграциясида инвестицион кредитлар муҳим ўрин эгалламоқда. Зеро, инвестицион кредитлар тижорат банкларининг миллий ва жаҳон молия бозоридаги узоқ муддатли стратегиясини амалга оширишда ва унинг воситасида халқаро муносабат ва тажрибаларни ривожлантиришда энг муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Олиб борилган тадқиқотлар инвестицион кредитлар бир қанча анъанавий ва замонавий кредитлаш шакллари ўзида мужассам этган ҳолда улардан фойдаланишда миллий, хорижий ва халқаро молия-кредит институтлари билан ҳамкорликларнинг ўрнатилиши ва ривожланишига эришилаётганлиги буни яққол тасдиқламоқда. Ўз навбатида, жаҳон амалиётида ривожланган давлатларда инвестицион кредитлаш борасида юксак ривожланиш ва бой тажрибаларга эришилиб, хусусан, “Германия давлатида жами асосий капиталга инвестициялар таркибида инвестицион кредитларнинг улуши 49,5 фоизни, АҚШда 62 фоизни, Буюк Британияда 76,5 фоизни ташкил этмоқда”². Инвестицион кредитларга бўлган талаб кундан-кунга ошиб бораётган бугунги кунда тижорат банклари томонидан инвестицион кредитлаш тизимини такомиллаштириш заруриятини келтириб чиқармоқда.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда инвестицион кредитлаш амалиёти сезиларли тарзда юксалиб бормоқда. Жумладан, “асосий капиталга қилинган инвестицияларни молиялаштириш манбаларининг умумий ҳажмида тижорат банкларининг инвестицион кредитларини улуши сўнгги беш йилда (2017-2022 йй.) икки баробардан ошиб, 46,7 фоизни” ташкил этди³. Бу эса, асосан, республикада тижорат банкларининг инвестицион фаоллигини ошаётганлиги ва жалб қилинаётган халқаро кредитлар миқдорининг ошаётганлиги билан изоҳланади. Бироқ, аксарият тижорат банкларида инвестицион кредит ва унинг замонавий шакллари қўллаш тажрибалари етарлича шаклланмаган. Шунингдек, тижорат банкларида узоқ муддатли ресурсларнинг етишмаслиги кузатиш мумкин. Банкларнинг инвестицион кредитлаш тизимидаги муаммоларни илғор хориж тажрибаси асосида ҳал қилишнинг зарурлиги инвестицион кредитлаш тизимини такомиллаштириш масаласини илмий асосда тадқиқ қилиш заруриятини туғдирмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонуни (2019), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сон “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги фармони, 2020 йил 9 январдаги ПҚ-4563-сон “Ўзбекистон Республикасининг 2020-2022 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги⁴ ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ва мазкур соҳага тегишли бошқа ҳукукий-меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур мақола муҳим ҳисобланади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.

Проф. О.И. Лаврушиннинг фикрига кўра, кредитнинг самарадорлигини тавсифловчи кўрсаткичлар тизими мавжуд бўлиб, улар орасида муаммоли кредитлар ва кредитларнинг даромадлилигини тавсифловчи кўрсаткичлар муҳим ўрин эгаллайди⁵.

Проф. Н.Э. Соколинскаянинг хулосасига кўра, рискларни диққат билан кузатиш, сифатли кредит йиғма жиқлини шакллантириш, кредитлаш жараёнини бошқариш учун

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. «Халқ сўзи» газетаси, 2018 йил 29 декабрь сони.

² Силантьев А. Э. Роль инвестиционного кредитования в РФ, США и ЕС // StudArctic forum. Выпуск 1 (13), 2019, DOI: [10.15393/j102.art.2019.3761](https://doi.org/10.15393/j102.art.2019.3761). // <http://saf.petsu.ru/journal/article.php?id=37610>

³ Манба: <http://www.worldbank.org/> - сайт маълумотлари

⁴ Манба: <https://lex.uz/> - сайт маълумотлари

⁵ Лаврушин О.И. Банковское дело: современная система кредитования. – М.: КНОРУС, 2008. – С. 36-37

яхши маълумотлар базасига эга бўлиш кредитнинг сифат мазмунини таъминлашнинг асосий жиҳатлари ҳисобланади¹.

С.Вайн ўз тадқиқотлари натижаларига асосланган ҳолда, кредитларнинг самарадорлигини таъминлашда кредитлар бўйича ташкил этиладиган захираларнинг даражасини муҳим ўрин тутишини эътироф этган².

Халқаро таъмирлаш ва тараққиёт банки экспертларининг тавсиясига кўра, тижорат банклари кредитларининг самарадорлигини таъминлашда кредитлардан кўрилган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг меъёрий даражаларини таъминлаш ва кредитлардан олинadиган фоизли даромадларнинг барқарорлигига эришиш муҳим аҳамият касб этади³.

Ж.Синкининг фикрига кўра, тижорат банклари кредитларининг самарадорлигини таъминлашда кредит олувчи мижознинг пул оқимини таҳлил қилиш асосий ўринни эгаллайди⁴.

Тижорат банкларида инвестициявий фаолиятнинг самарадорлиги ва уларни ривожлантириш ҳамда баҳолаш масалалари билан кўплаб хорижий ҳамда маҳаллий иқтисодчи олимлари шуғулланишган. Мазкур масала бўйича илмий тадқиқот олиб борган хорижлик иқтисодчи олимлардан:

Россиялик иқтисодчи-олимлар М.В.Аликаева, Л.О.Асланова ва бошқалар фикрларига кўра, "Инвестицион банк кредити, одатда, лойиҳанинг қоплаш муддатидан ошиб кетмайдиган муддатга, қоидага кўра, бир йилдан кам бўлмаган муддатга берилади, тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатлари доирасида тузилган шартномалар бўйича тўловлар билан ҳужжатли тасдиқланиши лозим бўлган мақсадли характерга эга бўлади"⁵ деган хулосага келишган.

Ф.В.Майк ва В.Ронг (2006) Инвестицион лойиҳалардан самарали фойдаланишда ташқи молиявий чекловларни ўрнатиш кераклигини ва шу асосда ички инвестицион лойиҳаларни рағбатлантиришни таклиф қилишган. Бунда олимлар ташқи молиялаштириш харажатлари ошган сари, нақд пул қиймати сезиларли даражада ошади деган хулосага келади⁶.

Ҳ.Уанг, П.Лианг, Ҳ.Ли, Р.Янглар (2016) эса технологияли ишланмаларига йўналтириладиган инвестицион лойиҳалар ва уларнинг молиялаштириш манбаларини, шунингдек илмий ишланмаларни молиялаштириш манбалари, илмий-тадқиқот, инвестиция rischi ўртасидаги ўзаро боғлиқликни ўрганишган⁷.

Бундан ташқари Россиялик таниқли иқтисодчи олим Т.Мазурина (2013) инвестицион лойиҳаларни тижорат банклари кредитлари ҳисобидан кредитлашни ривожлантириш учун қуйидаги шароитларнинг мавжуд бўлишини асослаб берган:

– давлатнинг самарали инвестиция ва саноат сиёсатининг мавжудлиги (молиявий ресурсларни аниқ жойлаштириш йўналишлари кўрсатилган ҳолда);

– инвестицион лойиҳаларини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган рискларни қисқартириш асосий йўналиши бўлган инвестициялар инфратузилмасини ривожлантириш;

– корхоналарнинг инвестицион жозибadorлигини ошириш⁸.

И.Юдинанинг (2013) илмий тадқиқотлари натижаларига кўра, ривожланаётган мамлакатларда тижорат банкларининг инвестицион кредитлаш амалиёти

¹ Соколинская Н.Э. Проблемы менеджмента кредитного портфеля в современных условиях//Банковское дело. – Москва, 1999. - №9. – С. 18-19

² Вайн С. Оптимизация ресурсов современного банка. – М.: Альпина Паблишер, 2013. – С. 150-151.

³ www.worldbank.org – Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки

⁴ Синки Дж. Финансовый менеджмент в коммерческом банке и в индустрии финансовых услуг. Пер. с англ. – М.:Альпина Паблишер, 2017. – С. 485 - 486

⁵ Аликаева М.В., Асланова Л.О. ва б. Стратегическое развитие малого бизнеса и формы поддержки индивидуального предпринимательства. Монография. – Нижний Новгород: Издательство НОО Профессиональная наука, 2018. – С. 68. [//www.scipro.ru](http://www.scipro.ru)

⁶ Faulkender, Michael W. W. and WANG, Rong. Corporate Financial Policy and the Value of Cash. (2006). Journal of Finance. 61

⁷ Wang H., Liang P., Li H., Yang R. "Financing Sources, R&D Investment and Enterprise Risk" // Procedia Computer Science 91 (2016) 122 – 130 p. <https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S1877050916312303>

⁸ Мазурина Т.Ю. Банковское инвестиционное кредитование: современное состояние, проблемы и перспективы развития// Деньги и кредит.–Москва, 2013.–№4.–С. 33

ривожлантиришнинг зарурий шарты – бу рискларни диверсификация қилиш деб ҳисоблайди¹.

Ўзбек олимларидан профессор Н.Каримовнинг илмий ишида инвестицион лойиҳаларни тижорат банклари орқали молиялаштириш механизмини такомиллаштиришдаги асосий муаммолар сифатида тижорат банкларининг инвестицион кредит бериш салоҳиятини ошириш муаммоси, тижорат банкларида инвестицион фаолиятни молиялаштириш рискларини бошқариш самарадорлигининг пастлиги, тижорат банкларига инвестицион лойиҳалар бўйича мижозлар томонидан тақдим этилаётган бизнес режаларнинг техник-иқтисодий жиҳатдан етарли даражада асосланмаганлиги ва уларнинг банклар томонидан талаб даражасида таҳлил этилмаётганлиги ҳамда кредит шартномалари тузишдаги камчиликларнинг мавжудлиги, ҳукуматнинг қафолати асосида олинган инвестицион кредитлардан фойдаланиш самарадорлигининг паст эканлиги каби омилларни келтириб ўтган².

Бугунги кунда мамлакатда тижорат банкларининг инвестициявий фаолиятини институционал асосларини такомиллаштириш жараёнларида бир қанча камчиликлар мавжуд. Шу сабабли, тижорат банкларининг инвестицион лойиҳаларни кредитлаш амалиётидаги мавжуд муаммоларини аниқлаш, хорижий банклар кредитлаш амалиётининг устувор томонларини амалий таҳлиллар асосида ўрганиш, уларнинг бу соҳадаги илғор тажрибаларини, Ўзбекистондаги тижорат банклари кредитлаш амалиётида жорий қилиш юзасидан аниқ асосланаган илмий таклифлар тақдим этиш, ушбу илмий мақоланинг асосий мақсади ҳисоблади.

Тадқиқот методологияси.

Тадқиқотни олиб боришда анализ ва синтез, индукция ва дедукция, статистикава таққослаш каби тадқиқот усулларида фойдаланилди. Тадқиқот жараёнида олинган натижаларнинг қисқача тавсифи:

- инвестицион муҳит жозибadorлигини оширишда банкларнинг ролини оширишнинг аҳамияти, ҳамда банкларининг инвестицион фаолиятда иштирокининг аҳамияти ва ролини институционал жиҳатдан асослаб бериш;
 - институционал ҳуқуқий асосларини ўрганиш;
 - Ўзбекистонда тижорат банкларининг инвестицион фаолиятининг замонавий ҳолати, асосий иқтисодий кўрсаткичлари ва самарадорлик даражасини таҳлил қилиш;
 - тижорат банкларининг инвестиция фаолиятига таъсир этувчи омилларни аниқлаш;
 - инвестиция фаолиятида тижорат банкларини ривожлантиришнинг хориж тажрибасини ўрганиш;
- инвестицион фаолиятда тижорат банкларининг иштирокини фаоллаштириш йўналишлари бўйича таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Таҳлиллар ва натижалар.

Тижорат банкларининг узоқ муддатли инвестицион кредитлари Ўзбекистон иқтисодиёти ривожланишининг барқарорлигини таъминлашнинг зарурий шартларидан бири ҳисобланади.

2022 йилда кичик тадбиркорлик субъектларини, шу жумладан, аҳолининг бандлигини таъминлаш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, хотин-қизлар ва ёшларнинг тадбиркорлик ташаббусларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадлари учун 281 мингдан ортиқ лойиҳага жами 48,4 трлн. сўм кредит маблағлари ажратилди. Мазкур йилда хорижий кредит линиялари маблағлари ҳисобидан тижорат банклари томонидан тадбиркорлик субъектларининг қарийб 17.0 мингта лойиҳасини молиялаштириш учун 2,9 млрд. АҚШ

¹ Юдина И.Н. Банковская система в развивающихся экономиках: опыт становления, развития и кризисов. Монография.– М.: ИНФРА-М, 2013.–С

² Каримов Н. «Иқтисодий интеграциялашув шароитида инвестицияларни молиялаштиришнинг бозор механизмларини жорий этиш муаммолари» мавзусидаги иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. Тошкент – 2007. 7-10 б.

доллари (2019 йилда: 2,1 млрд. АҚШ доллари, 12 мингта лойиха) миқдорида, жумладан, тўғридан-тўғри (давлат кафолатисиз) жалб қилинган маблағлар ҳисобидан 14.0 мингтадан ортиқ лойихага 2,5 млрд. АҚШ доллари (84 фоиз) миқдорида (2019 йилда: 1,57 млрд. АҚШ доллари, 74 фоиз) кредитлар ажратилди¹.

Ўзбекистон Республикасида инфляция даражасининг юқори эканлиги тижорат банкларининг миллий валютадаги инвестицион кредитларининг фоиз ставкасини юқори бўлишига сабаб бўлмоқда.

1-жадвал маълумотларидан кўринадики, Ўзбекистон Республикасида 2020-2022 йилларда инфляция даражасининг юқори бўлганлиги тижорат банкларининг миллий валютадаги кредитларининг фоиз ставкаларини юқори бўлишига сабаб бўлган.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида инфляциянинг йиллик даражаси ва тижорат банкларининг миллий валютадаги инвестицион кредитларининг ўртача йиллик фоиз ставкаси

Кўрсаткичлар	2020 й.	2021 й.	2022 й.
Инфляция даражаси	14,3	15,2	11,1
Миллий валютадаги инвестицион кредитларнинг фоиз ставкаси	20,9	23,8	22,5

Манба: <https://cbu.uz/oz/> - расмий сайт маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Ўзбекистонда миллий валютанинг қадрсизланиш суръати юқори даражада эканлиги банклар томонидан инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш мақсадида берилган кредитларни қайтаришда муаммоларни юзага келишига сабаб бўлмоқда.

Муаммонинг моҳияти шундаки, миллий валютанинг қадрсизланиш суръатининг юқори эканлиги импортнинг қимматлашишига ва инфляциянинг кучайишига олиб келди. Бунинг натижасида корхоналарнинг хорижий валюталарда олган кредитларини тўлаш билан боғлиқ бўлган харажатлари ва маҳсулотлар таннархининг ошиб кетиши юз берди. Натижада, уларнинг тўловга қобиллик даражаси пасайди.

Иқтисодиётни пул маблағлари билан таъминланганлик даражасининг паст бўлиши тўловсизлик муаммосини ҳал қилиш имконини бермайди. Бунинг устига, банклар томонидан берилган кредитларни қайтмаслиги тўловсизлик муаммосини янада чуқурлашишига хизмат қилади.

Шунингдек, инфляция даражасининг ошиши ҳам тижорат банкларини кредитларнинг фоиз ставкасини оширишга мажбур қилади. Чунки, инфляция даражасининг ошиши тижорат банкларининг кредитлардан олинган фоизли даромадларнинг реал қийматини пасайишига сабаб бўлади. Иқтисодиётда инфляция даражасининг юқорилиги тадбиркорлар қўлидаги молиявий ресурслар даромадлилиги ва қийматини пасайтириши сабабли улардаги тақчилликни кредит ресурслари билан қоплашдаги зарурият ва муаммоларни келтириб чиқаради. Зеро, фаолияти, асосан, жалб этилган маблағлар асосига қурилган банкларнинг тижорат иши уларни инфляция суръатидан юқори қийматда кредитлашга мажбур этади.

Тижорат банкларининг инвестицион фаоллигини таъминлашда банкларнинг ликвидлиги, молиявий барқарорлигини ва капиталининг етарлилигини таъминлашга катта эътибор қаратилади.

Тижорат банклари капиталининг етарлилиги унинг инвестицион жозибдорлигини таъминлашнинг зарурий шартларидан бири ҳисобланади.

2-жадвал маълумотларидан кўринадики, ТИФ Миллий банки АЖда регулятив капиталнинг пасивлар ҳажмидаги салмоғи 2020 йилда 2019 йилга нисбатан сезиларли даражада камайган, аммо, 2020 йилда 2018 йилга нисбатан сезиларли ошган. Бу эса,

¹ Манба: <https://cbu.uz> – Ўзбекистон Республикаси Марказий банки расмий сайти.

Миллий банкнинг инвестицион жозибдорлигини таъминлаш нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

2-жадвал

Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банки АЖ ва Ипотекабанкда регулятив капиталнинг пасивлар ҳажмидаги салмоғи, фоизда¹

Банклар	2020 й.	2021 й.	2022 й.
ТИФ Миллий банки АЖ	10,1	19,7	17,4
Ипотекабанк	8,2	15,8	13,2

Ипотекабанкда регулятив капиталнинг пасивлар ҳажмидаги салмоғи 2020 йилда 2019 йилга нисбатан ошган, аммо, 2020 йилда 2018 йилга нисбатан сезиларли даражада камайган.

3-жадвал

АТ “Ўзсаноатқурилишбанк”да активларнинг рентабеллиги ва капиталнинг рентабеллиги кўрсаткичларининг даражаси, фоизда²

Кўрсаткичлар	2020 й.	2021 й.	2022 й.
Активларнинг рентабеллиги	0,4	0,8	2,0
Капиталнинг рентабеллиги	3,8	8,3	11,3

3-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўринадики, Ўзсаноатқурилишбанкда 2020-2022 йилларда активларнинг рентабеллик кўрсаткичи ҳам, капиталнинг рентабеллик кўрсаткичи ҳам ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса, банкнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш нуқтаи-назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.

3-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўринадики, Ўзсаноатқурилишбанкда капиталнинг рентабеллик кўрсаткичи 2021 йилда 2020 йилга нисбатан юқори суръатда (7,5 ф.п.) ўсган. Бу эса, мазкур даврда соф фойданинг ўсиш суръатини регулятив капиталнинг ўсиш суръатидан юқори бўлганлиги билан изоҳланади.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг инвестицион фаоллигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган долзарб муаммолар:

1. Тижорат банкларида активларнинг рентабеллик даражаси паст.

Юқорида амалга оширилган таҳлиллар кўрсатдики, республикамизнинг йирик тижорат банкларида активларнинг рентабеллик даражаси паст.

2. Тижорат банклари кредит портфелининг сифатини ошириш билан боғлиқ бўлган муаммолар.

2022 йилнинг 1 май ҳолатига кўра, республикамиз тижорат банклари муаммоли кредитларининг брутто кредитлар ҳажмидаги салмоғи 5,2 фоизни ташкил этди. Бу эса, халқаро банк амалиётида умумқабул қилинган чегаравий даражадан (5 %) юқоридир.

3. Тижорат банклари акцияларининг инвестицион жозибдорлик даражасининг паст эканлиги.

Инфляция даражасининг юқори эканлиги ва миллий валютанинг девальвация суръатининг юқори эканлиги мамлакат тижорат банклари акцияларининг инвестицион жозибдорлигини оширишга тўсқинлик қилмоқда.

Фикримизча, республикамиз тижорат банкларининг инвестицион жозибдорлигини таъминлаш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

1. Тижорат банкларининг инвестицион жозибдорлигини активларнинг рентабеллигини ошириш ҳисобига таъминлаш учун, биринчидан, соф фоизли спрэд кўрсаткичининг меъёрий даражасини (1,25%) таъминлаш керак; иккинчидан, соф фоизли маржа кўрсаткичининг меъёрий даражасини таъминлаш лозим; учинчидан, тижорат банклари соф фойдасининг ўсиш суръати билан брутто активларининг ўсиш суръатлари ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш зарур.

2. Тижорат банклари кредит портфелининг сифатини ошириш билан боғлиқ бўлган муаммоларнинг уларнинг инвестицион жозибдорлигига нисбатан юзага келган салбий

¹ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки йиллик ҳисоботлари //www.cbu.uz.

² Молиявий ҳисоботлар. www.nbu.uz; www.ipotekabank.uz.

таъсирига барҳам бериш мақсадида, биринчидан, кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг меъёрий даражасини (1,0%) таъминлаш керак; иккинчидан, тижорат банклари кредит портфелининг диверсификация даражасини чакана кредитларнинг брутто кредитлар ҳажмидаги салмоғини ошириш ва кредитларни миқдорларнинг тармоқ хусусиятига кўра жойлаштиришни яхшилаш ҳисобига ошириш лозим; учинчидан, давлат дастурлари ва доирасида берилган имтиёзли кредитлар бўйича кредит риси бўйича жавобгарликни тижорат банклари зиммасидан олиб ташлаш керак.

3. Тижорат банклари акцияларининг инвестицион жозибадорлигини таъминлаш учун, биринчидан, инфляция даражасини ва миллий валютанинг қадрсизланиш суръатини пасайтириш орқали банкларнинг акцияларига қилинган инвестицияларнинг реал қийматини пасайишига чек қўйиш лозим; иккинчидан, инвесторларнинг тижорат банкларининг акцияларига қилинган инвестициялардан оладиган даромадлари солиққа тортилмаслиги керак; учинчидан, тижорат банки регулятив капиталининг рентабеллиги кўрсаткичининг меъёрий даражасини (15%) таъминлаш зарур.

Иқтисодий жиҳатдан тараққий этган мамлакатларнинг тажрибаси кўрсатадики, қишлоқ хўжалигида инновацион фаолиятнинг натижадорлиги ва товар ишлаб чиқарувчиларнинг инновацион жараёнларга жалб этилганлик даражаси жаҳон қишлоқ хўжалик бозорига кириб бориш муваффақиятини ва қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларини рақобатбардошлигини белгилайди¹.

Е. Ижмулкинанинг фикрига кўра, дунёнинг етакчи аграр иқтисодиётларида қишлоқ хўжалиги даражаси ва технологиялари бўйича технологик ривожланишнинг олтинчи даражасига тўғри келади ва унинг ривожланиши инновацияларни нанотехнологиялар, биотехнологиялар, муқобил эрнергетика, янги ахборот технологиялари соҳаларига муваффақиятли трансфер қилинганлиги билан боғлиқдир².

Юқоридаги таҳлил маълумотларимиздан кўришимиз мумкинки, 2019 йилда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари импортининг мамлакат жами импортидаги улуши 2018 йилга нисбатан пасайгани ҳолда, ушбу кўрсаткич 2020 йилда 2019 йилга нисбатан ошган.

Фикримизча, қишлоқ хўжалигида иқтисодий самарадорликни инновациялар асосида ривожлантириш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

- Ривожланиш даражаси нисбатан паст бўлган аграр туманларда технопаркларни ташкил қилиш йўли билан қишлоқ хўжалигини ва у билан узвий боғлиқ бўлган тармоқларни ривожлантириш орқали технологик кластерни шакллантириш лозим.

Аграр соҳада технологик кластерни шакллантириш борасидаги хориж тажрибаси кўрсатадики:

биринчидан, кластер таркибига кирувчи тор ихтисослашувга асосланган фирмаларнинг юқори ишлаб чиқариш унумдорлиги таъминланади (кўплаб операциялар ихтисослашган ва технологик жиҳатдан мураккаб бўлган ҳозирги шароитда алоҳида технологик операцияларгача ихтисослашиш рақобат курашида устунлик беради);

иккинчидан, кластерларда инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятлари кенгайди, чунки, кластер ичида ишлаб чиқариш базаси билан бирлашган ва етарли даражада молиялаштириш манбалари билан таъминланган илмий салоҳият тўпланади;

учинчидан, яратилган инновацион ишланмаларни қишлоқ хўжалиги ва у билан узвий боғлиқ бўлган тармоқларга жорий этиш муддатини камайтиради, харажатларини қисқартириш имконини беради.

Қишлоқ хўжалигига инновацион технологиялар ва ускуналар ишлаб чиқадиган компанияларнинг фаолиятини ривожлантириш мақсадида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

¹ Резниченко С. С., Андреев С. Ю. Развитие аграрного сектора экономики на основе инноваций//Молодой ученый. – Москва, 2016. – № 8. – С. 27–28

² Ижмулкина Е. А. Инструменты управления инновационной деятельностью сельского хозяйства региона. Автореф. дис. на соискание уч. степени канд. экон. наук. – Княгинино, 2013. – 20 с

–ушбу компанияларни давлат маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган компаниялар орқали қўллаб-қувватлаш амалиётини жорий қилиш лозим;

–мазкур компанияларга бериладиган давлат буюртмалари ҳажмини ошириш керак;

–аграр соҳадаги олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтларининг инновацион компаниялар билан инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқиш ва тижоратлаштириш соҳасидаги ҳамкорлигини мустаҳкамлаш зарур.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация ва рақамли технологияларни жорий этиш кўламини кенгайтириш мақсадида крауд-фандинг, краудсорсинг, Улкан маълумотлар (Big Data) ва геолокация технологияларини жорий қилиш лозим.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, краудфандинг одамларнинг жамоавий ҳамкорлиги бўлиб, бунда оодамлар ўзларининг пул маблағларини ёки бошқа ресурсларини ихтиёрий равишда бирлаштирадилар. Ушбу маблағлар турли шаклдаги тадбирларни молиялаштиришга, шу жумладан, стартап компанияларни ва кичик бизнесни молиялаштиришга, фойда олиш мақсадида инвестиция қилишга йўналтирилади.

Улкан маълумотлар технологияси жуда катта ҳажмдаги маълумотларни юқори тезликда ва аниқликда қайта ишлаш имконини берадиган технологиядир.

Геолокация фойдаланувчининг жойлашган ўрнини ҳисобга олган ҳолда ахборот хизматлари кўрсатиш учун янги имкониятлар яратади. Масалан, транспорт ва одамларнинг ҳаракатланишини сунъий йўлдош (спутник) орқали кузатиш хизмати (GPS, ГЛОНАСС). Ушбу кузатиш хизмати йўналишдан четга чиқишни, транспортдан мақсадсиз фойдаланишни аниқлаш, ёқилғи харажати нозорат қилиш имконини беради.

Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари туфайли аграр соҳада товарлар ва хизматларнинг янги турлари пайдо бўлади ва хизматлар кўрсатиш тезлиги сезиларли даражада ошади.

Рақамли технологиялар катта ҳажмдаги операциялар бўйича вазифаларни ҳал қилишни арзонлаштиради, тезлаштиради ва воситачиларсиз амалга ошириш имконини беради.

Жаҳон молия бозорини халқаро миқёсда глобаллашган бозор деб тавсифлаш мумкин. Жаҳон молия бозори молиявий глобаллашув жараёни маҳсули бўлиб, индустриал мамлакатларни умумжаҳон миқёсда иқтисодий самарадорлигини кескин оширди. Лекин бу жараён ривожланаётган мамлакатлар ривожига ижобий таъсирдан кўра кўпроқ салбий таъсир кўрсатиши ҳозирда барчага аён бўлиб қолди. Бунинг сабаби ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиёти индустриал давлатлар иқтисодиётига кўпданбоғлиқлигида деб билиш мумкин.

Ҳозирда жаҳон молия бозорларидаги қимматли қоғозларнинг обороти халқаро товар айланмаси (оборот) ҳажмидан 60-70 баробар кўп, бу кўрсаткичнинг борган сари ортиб бориши тенденциясини кузатиш мумкин. Бунда халқаро портфел инвестицияларининг салмоғи бевосита инвестициялар ва халқаро кредитлар ҳажмидан сезиларли катта бўлиб, бунга молия бозорларининг иқтисодиётдаги ролини ошиб бориши секьюритизация жараёнлари ва молия инжинирингини тез суръатлар билан ривожланиши сабаб бўлмоқда.

Банклар фаолиятининг механизми, ҳосса ва хусусиятлари эвазига молия бозори таркибида алоҳида сегмент – банк капитали ва хизматлари бозори фаолият юритади ва ривожланади. Бунда улар кредит, пул воситалари билан боғлиқ операциялар институтлари, молиявий ресурслар ва инструментлар аккумулятори ва мос равишда йирик инвестициялар манбаи, институционал инвестор, профессионал эмитент ва воситачи сифатида намоён бўлади. Башқача қилиб айтилганда, банклар молия бозорининг пул, валюта ва кредит (банк капитали) сегментида тегишли операцияларини бажаради, фонд инструментлари сегментида эса қимматли қоғозлар билан боғлиқ молиявий хизмат, эмиссион ва инвестицион операцияларни амалга оширади. Бундан ташқари банклар ўз фаолиятлари доирасида кўчмас мулк бозорида ва ипотекавий хизматларни ҳам кўрсатади.

Ҳозирда ривожланган мамлакатлардаги банклар операциялари ва даромадининг 80

фоизига яқин миқдори қимматли қоғозлар бозорида шаклланимуда. Даромадининг қолган қисми эса традицион банк операцияларидан ҳосил бўлмуда. Бу ҳолатни инвестиция банклари фаолияти мисолида кўриш мумкин.

Инвестиция банки – бу асосан қимматли қоғозлар билан боғлиқ операцияларга ихтисослашган кредит-молия институти. Унинг мақсади, молия бозорлари орқали кўшимча пул маблағларини жалб қилиш, ўз миждозларини (жумладан давлатни) узоқ муддатли кредитлаш.

Инвестиция банклари мумтоз маънодаги банклардан фарқланиб, оддий банкларга ўхшаш кўп турдаги банк операцияларини бажармайдилар. Одатда, замонавий инвестиция банки ҳозирда на фақат фонд бозорларида қимматли қоғозлар билан боғлиқ операцияларни бажаради, балки компанияларни бирлаштирилиши (ютиб борилиши) ва ўзаро бирлашишини ташкиллаштириш, ипотекани ва венчур капиталини бошқариш билан ҳам шуғулланади.

Айтиш жоизки, Ғарб мамлакатлари қонунлари ва статистикасида барча молиявий институтларни уларнинг асосий функциялари бўйича фарқланади. Лекин амалиётда эса борган сари тижорат ва инвестиция банклари орасидаги фарқ йўқолиб бормуда. Бунга мисол қилиб кўрсатиш мумкинки, масалан, АҚШдаги тижорат банклари қонунчилик (1933 йилдаги Гласс-Стигал ва қимматли қоғозлар тўғрисидаги қонунлар) билан ўрнатилган тўсиқларни четлаб ўтиб, ўз фаолиятларини универсаллаштириш йўлида банк холдингларини, инвестиция корпорацияларини тузганлар ва фонд бозорида билвосита фаол қатнашганлар. Кўп йиллик бундай самарасиз чекловчи тажрибадан кейин ҳозирда (2001 йилдан бошлаб) АҚШ банкларида фонд бозоридаги қўйилган тўсиқлар олиб ташланган.

Бунинг акси сифатида қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган операцияларда банкларнинг фаол қатнашишига Германия мисол бўла олади, бу ерда фақат тижорат банкларида қимматли қоғозлар билан барча турдаги операцияларни амалга ошириш учун рухсат берилган. Германияда соф кўринишдаги брокерлик фирмалари йўқ. Одатда, инвестиция институтлари амалга оширадиган барча вазифаларни Германияда банклар бажаради. Бу ерда банклар энг кўп миқдорда облигациялар чиқаради, улар энг йирик сармоядорлар ҳисобланади, давлат қимматли қоғозларининг андеррайтерлари сифатида чиқади. Банклар, шунингдек, миждозларнинг ҳисобидан ва уларнинг топширини бўйича ҳамда ўз шахсий ҳисобидан битимларни амалга оширарэкан, фонд бозорида воситачилик операцияларини ҳам бажаради. Кўпгина ҳолларда айти шу банклар фонд биржалари аъзоларининг умумий таркибини шакллантиради [2].

Дунёнинг бир қатор ривожланган давлатлари (Буюк Британия, Канада, Франция, Япония ва бошқалар)нинг қонунчилигида эса сўнгги вақтларгача тижорат банкларида фонд биржалари фаолиятида бевосита қатнашиш ман этилган эди. Лекин Ҳозирги вақтда ушбу давлатларнинг қонунчилигида тижорат банкларининг фонд биржаларида бевосита иштирок этиши учун имконият яратиш бўйича жиддий ўзгаришлар кузатилмуда [2].

Инвестиция банклари турли мамлакатларда маълум хусусиятларга эга. Масалан, Буюк Британияда–турли инвестиция компаниялари, савдо банклари. Бунда савдо банклари оддий банк операцияларидан ташқари, акциядорлик компаниялари, пенсия фондари, суғурта компаниялари қимматли қоғозларини бошқариш билан ҳам шуғулланади.


Ҳозирда дунёнинг энг йирик инвестиция банклари қуйидагилар ҳисобланади: HSBC Holdings (Буюк Британия), Chase Manhattan Corp. (АҚШ), Credit Agricole Group (Франция), Citicorp. (АҚШ), Deutsche Bank (Германия), Bank America Corp. (АҚШ), ABN AMRO Bank (Голландия), Sumitomo Bank (Япония), Dai-Ichi Kangyo Bank (Япония) ва ҳ.к.

Россия Федерациясида банклар қимматли қоғозлар билан ўз операцияларини амалга оширишда қисман чеклаб қўйилган. Масалан, Россия банклари хусусийлаштириладиган корхоналар акцияларини сотиб олувчи сифатида қатнашиш ҳуқуқига эга эмас, акциядорлик жамиятлари акцияларида ўз соф активларининг 5 фоиздан ортиғини қўя олмайдилар, ўз мулкида бирор акциядорлик жамияти акцияларининг 10 фоиздан ортиқ қисмига эга бўлиши мумкин эмас.

Бугунга келиб жаҳон қимматли қоғозлар бозорида сўнги 100 йиллик ичида дунё мамлакатлари иштирокида кескин ўзгаришларни кўриш мумкин бунинг асосий сабаби шу мамлакатларнинг иқтисодий ҳамда сиёсий томондан дунё мамлакатлари орасида яққол устунлик қилиш ҳисобига бу натижаларга эришмоқда десак хато қилмаган бўламиз. Мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий муносабатлар давлатлар ўртасида капитални оқилона тақсимланишини таъминлайди. Бугунги кундаги жаҳон амалёига бир назар ташласак ҳар бир йирик фонд биржаларда қисқа вақт мобайнида кескин ўзгаришлар содир бўлаётганига гувоҳ бўламиз буни бир нечта иқтисодий ва ижтимоий сабаблари мавжуд. Фонд биржаларидаги бу ўзгаришлар орқали қайсидир мамлакат иқтисодиёти ҳақида баҳо бериш ва башорат қилиш мумкин. Масалан, қайсидир бир инструментнинг бозордаги баҳосини кескин тушиб кетиши бу инструмент эмитенти қайси мамлакатда фаолият кўрсатса бу ўзгариш шу мамлакат иқтисодиётидаги муаммолардан келиб чиққан бўлиши мумкин ва албатта умумий иқтисодиётга ҳам таъсир қилиш эҳтимоли мавжуд. (o'z problematikangizdan sal chetlashmadingizmi???)

Бугунги иқтисодий глобаллашган жамиятда дунё молия бозори, шу жумладан, қимматли қоғозлар бозори бир нечта афзалликлари мавжуд бўлиб, улардан асосийси шуки капитални мамлакатлар ўртасида тақсимланишини таъминлайди. Бу эса нафақат мамлакатлар ўртасида иқтисодий шу билан бирга сиёсий муносабатларни ҳам мустаҳкамланишига олиб келади. Агар дунё амалётига назар ташласак бугунги кунда қимматли қоғозлар бозорини ривожланиши жудаям тезлик билан ривожланаётганига гувоҳ бўламиз бунинг асосий сабабларидан бири ишлаб чиқариш корхоналарини ҳам иқтисодий ва техник томондан ривожлантириш ва дунё бозорида рақобатлаша оладиган маҳсулот ишлаб чиқаришни тақозо қилмоқда ва бу жараёни бартараф этиш учун албатта ресурс манбасини қимматли қоғозлар бозори орқали жалб қилинмоқда.

Иккинчи томондан йирик дунё корпорацияларини даромадлиқ даражасини кескин ошиши ва инвесторлар учун инвестицион жозибадорликни юқори бўлиши ва аҳоли эҳтиёжларидан ортиқ жамғармаларни кўпайиши ҳам дунё қимматли қоғозлар бозорини ривожланиш учун асосий дастак бўлиб хизмат қилмоқда.



1-расм. Инвестициявий фаолият самарадорлигини оширишда фонд бозорининг турли мамлакатлардаги капитализацияси (%) [10].

Қимматли қоғозлар бозорини дунё амалётида ривожланиши бу нафақат шумамлакат иқтисодиёти учун шу билан бирга уни харид қилган инвесторни мамлакати учун ҳам самара келтиради чунки қимматли қоғоздан олинган даромад харажат сифатида иқтисодиётда кўшимча талабни келтириб чиқаради ёки жамғарма сифатида банк омонатларига жалб


килинади ва иқтисодиётдаги пул айланмасига қўшимча капитал қўшилади.

Ҳозирги вақтда Халқаро ҳисоб-китоблар Банкининг расмий маълумотида кўра, етакчи индустриал давлатлар бозорларидаги молиявий операцияларнинг 50 фоизга яқини ўн та йирик тижорат банкининг ҳиссасига тўғри келади. Мазкур банклар ўзларининг кўп сонли филиаллари орқали дунёнинг барча қитъаларида фаолият юритадилар ва биринчи навбатда, қимматли қоғозлар бозорининг шаклланиши ва ривожланишига кучли ва бевосита таъсир кўрсатадилар. Ҳозирги вақтда қимматли қоғозлар бозорида ликвидли маблағларнинг сезиларли қисми тўпланган. Хусусан, Лондон, Нью-Йорк, Токио фонд биржаларида молиявий активлар билан амалга ошириладиган халқаро операцияларнинг 56 фоизи тўпланган.

Турли мамлакатларнинг инвестициявий фаолият самарадорлигини оширишда фонд бозорида капитализацияси динамикаси турлича кўрсаткичлари тасвирланган. 2020 йилда Инвестициявий фаолият самарадорлигини оширишда фонд бозори капитализацияси бўйича энг йирик улушга эга бўлган мамлакат бу АҚШ ташкил қилган бўлиб, унинг кўрсаткичи 52 % фоиз кўрсатилган. Капиталлашув даражаси бўйича кейинги ўринларда бу Буюк Британия, Франция ва Канада ташкил қилиб, уларнинг ҳиссаси мос равишда 7,2, 3,1 ва 3,3 ни ташкил қилганганини кузатиш мумкин. Бундан ташқари, Хитой ҳам кейинги йилларда қимматли қоғозлар бозори ривожланиш даражаси аста секин ривожланаётганини кўриш мумкин. 50 йил олдин Хитой дунё фонд бозорида деярли иштирок этмаган ва капиталлашув даражаси ҳам жуда паст кўрсаткични ташкил қилган. 2020 йилда Хитой фонд бозори капиталлашув даражаси анчага ўсиб унинг кўрсаткичи 4,8 ташкил қилган (1-расм).

Шундай қилиб, банкларнинг жаҳон молия бозоридаги фаолият турларини қуйидагича тизимлаштириш мумкин.

1. Банклар молия бозорининг қуйидаги сегментларида фаолият юритадилар: валюта, қимматли қоғозлар, пул-кредит (жумладан ипотека кредитлари), қимматбаҳо металллар ва тошлар (жумладан санъат асарлари).



2-расм. Дунё мамлакатлари жаҳон қимматли қоғозлар бозоридаги улуши¹ (% да)
[2].

Кўчмас мулк бозорида воситачи, ишончли бошқарувчи (траст), ипотекавий инвестор сифати фаолият кўрсатади.

1. Валюта бозорида: дилер ва брокер (трейдер, жумладан валюта оператори). Бунда спот ва муддатли бозорларда иштирок этади.

2. Пул-кредит бозорида: пул ҳисоб рақамлари ва пул воситалари (чеклар, карточкалар

¹ Биржа маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тузилди.

ва ҳ.к.) бўйича миқдорларга операцион хизмат кўрсатиш; кредит бериш ва олиш; бўлак кредиторларнинг кредит траншлари бўйича оператор бўлиш ва ҳ.к.

3. Қимматли қоғозлар бозорида:

- эмитент (эмиссияланувчи ва эмиссияланмайдиган турлари бўйича);
- институционал инвестор (ўзининг инвестицияларини бошқариш бўйича) ва коллектив инвестор (миқдорларининг инвестицияларини бошқариш бўйича);
- профессионал институт (брокер, трейдер, дилер, андеррайтер, траст, консалтинг, депозитарий, трансфер-агент ва ҳ.к.).

Дунё қимматли қоғозлар бозорида энг катта улушга эга бўлган мамлакатлар тасвирланган. Жадвалдан шуни кўриш мумкинки, Энг юқори улушга эга бўлган давлат бу Америка Қўшма Штатлари бўлиб, унинг ҳиссаси 2020-йилда 34,17 % ни ташкил қилган. Кейинги катта улушга эга бўлган мамлакатлар сафига Япония, Буюк Британия, Гонгконг ва Хитой мамлакатлари бўлиб мос равишда 7,90, 6,25, 5,94 ва 5,78 % ташкил қилган. Дунё қимматли қоғозлар бозорида энг кичик улушларни ташкил қилган мамлакатлар булар Канада 3,39 % билан, Франция 3,16 % билан, Германия 2,91 % билан, Австралия 2,37 % билан ва Ҳиндистон 2,12 % билан шу кўрсаткичларга эришган (2-расм).

Жаҳон молия бозорини ривожланиши юқори тенденцияга эга бўлган пайтда турли мамлакатларни Фонд бозори капитализациясидаги ҳам кескин ўзгаришларга эга бўлганини кўриш мумкин. Бу тенденцияларни кескин ўзгариши, албатта, шу мамлакатларни иқтисодий ҳамда ижтимоий ривожланиш даражаси билан ҳам боғлиқдир.

Хулоса ва таклифлар

2020-2022 йилларда Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари кредитларининг умумий ҳажмида узоқ муддатли кредитлар юқори салмоқни эгаллаган. Аммо, мазкур даврда республикамиз тижорат банклари кредитларининг умумий ҳажмида узоқ муддатли кредитларнинг салмоғи пасайиш тенденциясига эга бўлган.

Ўзбекистон Республикасида 2020-2022 йилларда инфляция даражасининг юқори бўлганлиги тижорат банкларининг миллий валютадаги кредитларининг фоиз ставкаларини юқори бўлишига сабаб бўлган.

Ўзбекистонда миллий валютанинг қадрсизланиш суръати юқори даражада эканлиги банклар томонидан инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш мақсадида берилган кредитларни қайтаришда муаммоларни юзага келишига сабаб бўлмоқда.

Иқтисодий пул маблағлари билан таъминланганлик даражасининг паст бўлиши тўловсизлик муаммосини ҳал қилиш имконини бермайди. Бу эса, тижорат банклари томонидан берилган инвестицион кредитларни ўз вақтида қайтаришга тўсқинлик қилмоқда.

Ўзбекистон тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини кредитлаш самарадорлигини таъминлаш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш зарур:

1. Тижорат банклари томонидан инвестицион лойиҳаларни кредитлаш жараёнида юзага келадиган рискларнинг даражасини пасайтириш мақсадида, **биринчидан**, маркетинг тадқиқотлари сифатини ошириш йўли билан маҳсулотларга бўлган талабни прогнозлаш аниқлигини ошириш лозим, **иккинчидан**, лойиҳа ташаббускорининг репутациясига таъсир қилувчи омилларнинг таъсир даражасига баҳо бериш керак, **учинчидан**, лойиҳани амалга оширишнинг ҳар бир босқичида графикка риоя қилинишини доимий мониторинг қилиб бориш лозим.

2. Таснифланган инвестицион кредитлар таркибини яхшилаш йўли билан инвестицион кредитлардан кўрилган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг меъёрий даражасини таъминлаш мақсадида инвестицион кредитлар учун олинадиган гаров объектларининг ликвидлилигига, миқдорларнинг пул оқимини барқарорлигига, миқдорларнинг кредит тўловида лаёқатлилигини умумий пул оқимини баҳолаш асосида аниқлаш лозим.

2018-2022 йилларда республикамизнинг бир қатор тижорат банкларида инвестицион кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмалари даражаси ушбу кўрсаткичнинг меъёрий даражасидан юқори бўлган. Бу эса,

мазкур банкларнинг инвестицион кредитлаш амалиётини такомиллаштириш нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

Халқаро банк амалиётида умумэтироф этилган мезон сифатида ссудалардан кўрилган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмалари даражаси бўйича Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки экспертлари томонидан тавсия этилган меъёрий даража (1,0%) қабул қилинган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.07.2018 й., 06/18/5483/1594-сон.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сонли «Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси»ги фармони//Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.05.2020 й., 06/20/5992/0581-сон.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. «Халқ сўзи» газетаси, 2018 йил 29 декабрь сони.
4. Силантьев А. Э. Роль инвестиционного кредитования в РФ, США и ЕС // StudArctic forum. Выпуск 1 (13), 2019, DOI: [10.15393/j102.art.2019.3761](https://doi.org/10.15393/j102.art.2019.3761). // <http://saf.petsru.ru/journal/article.php?id=37610>
5. Манба: <http://www.worldbank.org/> - сайт маълумотлари
6. Манба: <https://lex.uz/> - сайт маълумотлари
7. Лаврушин О.И. Банковское дело: современная система кредитования. – М.: КНОРУС, 2008. – С. 36-37
8. Соколинская Н.Э. Проблемы менеджмента кредитного портфеля в современных условиях//Банковское дело. – Москва, 1999. - №9. – С. 18-19
9. Вайн С. Оптимизация ресурсов современного банка. – М.: Альпина Паблишер, 2013. – С. 150-151.
10. www.worldbank.org – Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки.
11. Синки Дж. Финансовый менеджмент в коммерческом банке и в индустрии финансовых услуг. Пер. с англ. – М.: Альпина Паблишер, 2017. – С. 485 – 486.
12. Аликаева М.В., Асланова Л.О. ва б. Стратегическое развитие малого бизнеса и формы поддержки индивидуального предпринимательства. Монография. – Нижний Новгород: Издательство НОО Профессиональная наука, 2018. – С. 68. //www.scipro.ru.
13. Faulkender, Michael W. W. and WANG, Rong. Corporate Financial Policy and the Value of Cash. (2006). Journal of Finance. 61.
14. Wang H., Liang P., Li H., Yang R. “Financing Sources, R&D Investment and Enterprise Risk” // Procedia Computer Science 91 (2016) 122 – 130 p. <https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S1877050916312303>
15. Мазурина Т.Ю. Банковское инвестиционное кредитование: современное состояние, проблемы и перспективы развития// Деньги и кредит.–Москва, 2013.–№4.–С. 33.
16. Юдина И.Н. Банковская система в развивающихся экономиках: опыт становления, развития и кризисов. Монография.–М.: ИНФРА-М, 2013.–С
17. Каримов Н. «Иқтисодий интеграциялашув шароитида инвестицияларни молиялаштиришнинг бозор механизмларини жорий этиш муаммолари» мавзусидаги иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. Тошкент – 2007. 7-10 б.
18. Манба: <https://cbu.uz> – Ўзбекистон Республикаси Марказий банки расмий сайти.
19. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки йиллик ҳисоботлари //www.cbu.uz.
20. Молиявий ҳисоботлар. www.nbu.uz; www.ipotekabank.uz.

21. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки йиллик ҳисоботлари //www.cbu.uz.
22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 1 майдаги ПҚ-4700-сонли “Коронавирус пандемияси даврида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш, қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. www.lex.uz.
23. Шумпетер Й. Теория экономического развития. – М.: Директмедия Паблишинг, 2008. – 400 с.
24. Найт Ф. Риск, неопределенность и прибыль. – М.: Дело, 2003. – 358 с
25. Нойбауэр Х. Инновационная деятельность малых и средних предприятий//Проблемы теории и практики управления. – Москва, 2002. – №3. – С. 62-63.
26. Резниченко С. С., Андреев С. Ю. Развитие аграрного сектора экономики на основе инноваций//Молодой ученый. – Москва, 2016. – № 8.– С. 27–28.
27. Ижмулкина Е. А. Инструменты управления инновационной деятельностью сельского хозяйства региона. Автореф.дис. на соискание уч. степени канд. экон. наук.– Княгинино, 2013. – 20 с.
28. Қишлоқ хўжалиги. www, stat.uz (Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси).